

Фикҳ 185-дарс. Намознинг сифати (бешинчи мақола)



19:00 / 20.05.2022 4542

مَلَسَ وَهَيَّجَ هَلَلًا لَصَّ هَلَلًا لُوسَرَ نَأُ: هُنَّ هَلَلًا يَضَرُّ دُوسَمَنْ بِلَلٍ دَبَعٌ نَع
هَلَلٌ تَأَيُّحٌ لَأ: أَوْخَا يَفْوَةَ الصَّلَاةِ طَسَوِي فَسَلَجٌ إِذْ لُوقِي نَأَكْف: لَأَقُ هَأَيُّ هَمَلَع
مُالَّسَلَا هُنَّ أَكْرَبَ وَهَلَلًا هَمَّحَرَوِي بِنَلَا هَأَيُّ أَكْيَلَعُ مَالَّسَلَا تَأَبِّي طَلَاوُتْ أَوْلَّصَلَاو
هُدْبَعٌ أَدْمَحُ مِّنْ أَدَّشَاوُ هَلَلًا أَلِإَلَا نَأُ دَشَا، نِيحَلْ أَلَّ هَلَلًا دَابَعٌ يَلَعُو أَنْ يَلَع
نَأَكُ نِإَوِي هُدَّشَتْ نَمُ غُرْفَي نِيحَضَةَ الصَّلَاةِ طَسَوِي فَنَأَكُ نِإُمُتْ: لَأَقُ هَلُوسَرَو
دَمَّحٌ هَأَوْرَ مَلَّسُي مُمُتْ وَغَدَي نَأُ هَلَلًا عَاشَ أَمَّ هُدَّشَتْ دَعَبٌ أَعَدَّ أَوْخَا يَف

Имом Аҳмад Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига ташаҳҳудни ўргатдилар. У зот намознинг ўртасида ўтирганда ҳам, охирида

Ўтирганда ҳам ўшани - «Ат-тахиййаату лиллааҳи вас-солаваату ват-тоййибату, ассалааму алайка аййухан-набиййу ва роҳматуллоҳи ва барокаатуҳу, ассалааму алайна ва алаа ибодиллааҳис-солиҳийн. Ашҳаду аллаа илааҳа илаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу»ни айтар эдилар. Сўнгра, агар намознинг ўртасида бўлса, ташаҳҳуддан фориғ бўлганда турар эдилар. Агар охирида бўлса, ташаҳҳуддан кейин Аллоҳ хоҳлаганича дуо қилар, сўнгра салом берар эдилар».

Аҳмад ривоят қилган.

Аввалги икки рақъатдан кейинги рақъатларда Фотиҳани овозини чиқармай қироат қилади.

Пешин, аср, шом ва хуфтон намозларининг учинчи ва тўртинчи рақъатларида фақат Фотиҳа сураси қироат қилинади.

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اذْكُرْ نِعْمَتَ اللّٰهِ الَّتِيْ اٰتٰىكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُوْنَ
يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اذْكُرْ نِعْمَتَ اللّٰهِ الَّتِيْ اٰتٰىكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُوْنَ
يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اذْكُرْ نِعْمَتَ اللّٰهِ الَّتِيْ اٰتٰىكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُوْنَ
يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اذْكُرْ نِعْمَتَ اللّٰهِ الَّتِيْ اٰتٰىكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُوْنَ
يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اذْكُرْ نِعْمَتَ اللّٰهِ الَّتِيْ اٰتٰىكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُوْنَ

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам пешин ва асрнинг аввалги икки рақъатида **«Фотиҳатул Китоб»** ва **икки сурани, кейинги иккисида «Фотиҳатул Китоб»ни қироат қилар эдилар. Гоҳида бизга оятни эшиттириб қўяр эдилар. Биринчи рақъатида** (қироатни) узоқ қилар, иккинчисида қисқа қилар эдилар. Бомдодда ҳам шундай қилар эдилар».

Икки шайх ривоят қилишган.

Агар тасбеҳ айтиб, сукут сақласа ҳам жоиз.

Яъни, учинчи, тўртинчи рақъатларда Фотиҳани қироат қилмасдан, тасбеҳ айтса ҳам намози дуруст бўлади.

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اذْكُرْ نِعْمَتَ اللّٰهِ الَّتِيْ اٰتٰىكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُوْنَ
يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اذْكُرْ نِعْمَتَ اللّٰهِ الَّتِيْ اٰتٰىكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُوْنَ

Ибн Абу Шайба Али ва Ибн Масъуд розияллоҳу анҳумодан шундай ривоят қилади:

«Камаа баарокта ъалаа Иброҳийма ва аали Иброҳийма» – «Худди Иброҳимга ва Иброҳимнинг оила аъзоларига Ўз баракангни нозил қилганингдек».

«Иннака ҳамиидун мажиид» «Албатта, Сенинг Ўзинг мақталган, улуғланган Зотсан».

Кейин одамлардан сўрамайдиган нарсалар ила дуо қилади ва ўша ердаги одам ҳамда малакларни ният қилиб, ўнг ва чап тарафларига салом беради.

Намознинг ичидаги дуода одамлардан сўрайдиган нарсаларни тилаб дуо қилиш жоиз эмас, чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад келтирган ривоятда: «Албатта, бу намозда одамларнинг каломидан ҳеч нарса мумкин эмас. У фақат тасбеҳ, такбир ва Қуръон қироатидан иборатдир», деганлар.

Бизда Пайғамбар алайҳиссаломга салавотдан кейин «Аллоҳуммағфирли» деб бошланадиган машҳур дуони ўқиш одатга айланган.

«Аллоҳим! Менга фалон нарсани ризқ қилиб бергин!», «Фистончини хотин қилиб бергин», каби дуолар ҳаромдир.

Намознинг ичидаги дуо албатта араб тилида бўлиши шартлигига барча фуқаҳолар иттифоқ қилганлар.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди